O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 7 июнь, № 112 (4522) Шанба

# МДҲНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ САММИТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июнь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига келди.**



Санкт-Петербург, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

**Константин саройида МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашуви бўлди. Унда Президентлар Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси лойиҳасини шакллантириш, гуманитар ҳамкорлик, МДҲни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.**

Ҳамдўстлик доирасида ўтган йиллар мобайнида тўпланган ҳамкорлик тажрибаси ва таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, МДҲнинг ҳар бир аъзоси интеграцияни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга. Чунки Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодиёти бир-бири билан рақобат қилмайди, аксинча, кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Аъзо мамлакатларнинг барчаси ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Шуларни ҳисобга олиб, МДҲ доирасида замон талабларига мувофиқ тарзда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун барча зарур ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар, ҳарбий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали барча аъзо давлатлар ўз тараққиётини ҳам таъминлаши мумкин.

Президент Ислом Каримов Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз кетганда, ҳамиша "аввал иқтисод — кейин сиёсат" тамойили билан иш кўриш лозимлигини таъкидлаб келади. Зеро, давлатлараро муносабатларнинг асосини иқтисодий алоқалар ташкил этади. Иқтисодий ҳамкорлик ривожланган, иқтисодий манфаатдорлик мавжуд бўлган шароитдагина давлатлар ўртасида сиёсий ҳамжиҳатлик ҳам мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз раҳбари ана шу мақсадларни рўёбга чиқариш учун МДҲ доирасида Эркин савдо зонаси барпо этиш ташаббусини илгари сурди. Албатта, бу кўп меҳнат талаб қиладиган жараён. Чунки аъзо давлатларнинг иқтисодий салоҳияти, ривожланиш даражаси турлича. Шу боис уларнинг ҳар бири ҳамкорлик ва интеграциянинг ўзига хос, ўз манфаатларига мос усул ва йўлларини талаб қилади. Шунга қарамай, 2007 йилда МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ва уни ҳаётга жорий этиш режаси қабул қилингани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Ушбу концепцияда биринчи галда иқтисодий соҳа устувор этиб белгиланган.

МДҲда иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштириш имконияти мавжуд. Бу тузилма аъзо мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида ахборот олиш ва алмашиш мумкин бўлган ўзига хос манба вазифасини ҳам ўтайди. Унинг саммитлари мулоқот учун яхши имконият яратади. Албатта, ҳар бир мамлакат кўрилаётган масалаларга, аввало, ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Аммо Президентлар учрашувининг мунтазамлиги мавжуд масалаларга биргаликда ечим топиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан далолатдир.

Санкт-Петербург саммити қатнашчилари МДҲни ислоҳ қилиш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

**(ЎзА).**

## ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ДМИТРИЙ МЕДВЕДЕВ УЧРАШУВИ

**МДҲ норасмий саммитида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.**

Санкт-Петербург, 6 июнь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ислом Каримов Ўзбекистон учун Россия билан ҳамкорлик доим устувор аҳамият касб этиб келганини, мамлакатларимиз МДҲни ислоҳ қилиш борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр эканлигини қайд этди. Президентимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини (ОДКБ) бирлаштиришни таклиф қилди. Бу улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб таъкидлади.

Дмитрий Медведев Ўзбекистонни Россиянинг Марказий Осиёдаги асосий, стратегик шериги, деб атади. Истиқболда ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга доир қатор режалар ишлаб чиқилаётганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани барча соҳадаги ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосида ривожланаётганидан далолатдир.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама алоқалар БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕврАзЭС каби тузилмалар доирасида фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Россия наркотрафик, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам ҳамкор ва ҳамфикрдир.

Ўзбекистон ва Россия иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида яқиндан ҳамкорлик қилади. Товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. 2007 йилда бу борадаги кўрсаткич 48 фоиз ўсиб, 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бунда саноат маҳсулотлари ҳажми ортиб бораётгани эътиборга моликдир. Мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Жумладан, халқимизнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан турли кўргазмалар, фестиваллар, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. Тошкентда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев ўзаро алоқаларнинг ҳозирги кўламидан мамнуният билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, сармоявий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



**Кеча қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси Тошкент вилоятининг Ангрен ва Олмалиқ шаҳар ҳокимликлари томонидан қандай ижро этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди. Мазкур қўмита раиси И. Кочмарик бошқарган тадбирда юқорида номи зикр этилган шаҳарларнинг ҳокимлари шу ҳақда ахборот бердилар.**

## МУҲИМ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда уй-жой қонунчилиги бўйича коммунал хўжаликларни ислоҳ этиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимига бозор муносабатларини олиб киришга оид ҳуқуқий асослар, тегишли меъёрий ҳужжатлар яратилган. Ангрен ва Олмалиқ шаҳарларида ҳам бу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш йўлида муайян ишлар амалга оширилган. Чунончи, 2007 йилда 1991 йилгача қурилган кўп хонадонли уйлар манзилли дастурлар асосида капитал таъмирланди. Олмалиқ шаҳрида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз маблағлари ва ҳомийларнинг ёрдами билан жорий таъмирлаш ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, шаҳарда давлат уй-жой фонди рўйхатга асосан тақсимланиб, 2008 йилнинг биринчи чорагида 55 та квартира ажратилди. Улардан 42 таси ёш оилаларга берилди.

Ангрен шаҳар ҳокимлиги ҳам Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 120 хонадонли 2 та уйда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Жорий йилда ушбу объектларни ўз эгаларига топшириш мўлжалланаётир.

Шу билан бирга, йиғин қатнашчилари шаҳарларда олиб борилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ишларини ҳам алоҳида қайд этиб ўтдилар. Кодекс ижросини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ хулосасида бу борада ҳокимликлар томонидан йўл қўйилган айрим камчилик ва муаммолар ҳам тилга олиб ўтилди. Хусусан, ҳар икки шаҳарда ҳам коммунал хизмат соҳасида тариф ва хизматлар сифатига таъсир кўрсатадиган рақобатчи субъектлар фаолияти жорий этилмаган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида умумий йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда расмиятчилик устуворлик қилмоқда. Оқибатда, аъзолик бадаллари миқдори асосланмаган тарзда белгиланаётир. Сақлаш харажатлари учун йиғилган маблағларнинг 60 фоиздан ошиғи иш ҳақи учун сарфланаётгани ҳам қайд этилиб, бу борада вазиятни тартибга солиш зарурлиги таъкидланди.

Айниқса, ширкатларда уй-жой қонунчилигига доир тегишли меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслигини депутатлар қаттиқ танқид қилдилар. Билдирилган эътирозлар, мулоҳазалардан сўнг қўмитанинг қарори қабул қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

## БОРЛИҚ МУСАФФО БЎЛСИН

***5 июнь — Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан мамлакатимизда кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Хусусан, мазкур санага бағишлаб "Экосан" халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда экофестиваль ўтказди.***

▼ **Анжуман**

Иштирокчилар дастлаб Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган "Тошкент экологияси — болалар нигоҳида" ҳамда "Табиат ва инсон" мавзуидаги ёш рассомлар кўргазмасини кўздан кечирдилар. Беғубор қалбларнинг борлиқни асраш, унинг неъматларидан унумли фойдаланишга ундовчи ижодий ишлари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмади. Айниқса, шундан сўнг бошланган миллий таомлар кўргазмаси кўпчиликка катта таассурот қолдирди, десак янглишмаймиз. Сабаби, унда инсониятнинг бугуни ва фаровон келажаги бевосита она табиат билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тараннум этилди. Миллий куй-қўшиқлар садоси остида Озарбойжон, Афғонистон, Вьетнам, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Латвия, Қирғизистон, Россия, Туркманистон, Украина давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган грек, корейс, немис, тожик, поляк байналмилал маданият марказлари аъзолари ўша халқ урф-одатлари ва миллий таомларини намойиш қилдилар.

Экофестиваль доирасида анъанавий ўтказиб келинаётган "Экология ва саломатлик кунлари" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлди. Мамлакатимизнинг шаҳар (туман)лари, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳаллалари ўртасида ташкил этилган мазкур танловда бу йил ўз йўналишлари бўйича Олтиариқ тумани, "Қизилкумцемент" ОАЖ ҳамда Жиззах шаҳрининг Ҳамзаобод маҳалласи ғолиб, деб топилди.

(Давоми 2-бетда).

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари юксак қадрланишининг яна бир ёрқин далили бўлди.***

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

▼ **Фармон ва ижро**

Мазкур декларация Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилган ва улар амалда самарали жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича ташкил этилган миллий институтлар фаол иш юритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи қайд этилган фармони бу борадаги ишлар кўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган инсон ҳуқуқларига оид нашрлар кўргазмаси ана шу мақсадга қаратилган тадбирлардан бири бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## «TRT» ТЕЛЕКАНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

***Яқинда Туркия давлат телерадикорпорацияси «TRT-2» каналининг жонли эфирида мамлакатимизга бағишланган кўрсатув намойиш этилди. Унда «Евроосиё» уюшмаси раиси ва «EKOAVRASYA» журнали бош муҳаррири Ҳикмет Эрен, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Меҳмет Кемал Асъя, мамлакатимизнинг Анқарадаги элчихонаси вакиллари иштирок этишди. Бир соатга яқин давом этган кўрсатув жаҳоннинг 110 мамлакатига узатилди.***

▼ **Дунё нигоҳи**

Томошабинлар эътиборига шу йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистонда бўлиб қайтган «TRT» телевизион гуруҳи томонидан тайёрланган қатор лавҳа ва интервьюлар ҳавола этилди. Дастур давомида Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатимиз Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилажак тадбирлар, «Ёшлар йили» давлат дастури, мамлакатимизнинг сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи бир нечта лавҳа намойиш этилди.

Кўрсатув доирасида, шунингдек, юртимизнинг етакчи корхоналари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган туркиялик дипломат ва ишбилармонларнинг интервьюлари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Суҳбат чоғида кўрсатув иштирокчилари Ўзбекистон сармояларни жалб этиш учун ишончли мамлакат эканини қайд этди. Бу ҳақда гапирар экан, «Евроосиё» уюшмаси раиси Ҳикмет Эрен ўтган йиллар давомида туркиялик ишбилармонлар Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларига сармоя киритишда фаол иштирок этиб келаётганига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда).

**Бир рақам шарҳи**

## РЕАЛ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ ОШМОҚДА



**2008 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда реал пул даромадлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23 фоиз ўсди.**

**Республикамизда иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигининг юқори суръатлари таъминланаётгани, ҳукумат томонидан иш ҳақини ошириш ва хусусий бизнесни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида шундай ижобий ўсишга эришилди.**

# Кўнгил хиёбони

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,*
*Билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур.*

Алишер НАВОИЙ.

## Устоз ва шогирд

**Мулоқот**

**Шогирд сўради:**
**— Дунёда қандай дарахтнинг меваси беҳисоб?**
**Устоз деди:**
**— Эзгулик ва саховатнинг...**
**Сўради:**
**— Бу нени англатади?**
**Деди:**
**— Эзгулик нурки, тушган жой чароғон тортади, диллар равшанлашади.**
**Саховат неъматдирки, ундан қалблар ором олади, кўнгиллар ҳаловат топади.**

* * *

Сўради:
— Инсон ким?
Деди:
— Умр бўйи ўзини тушунишга ҳаракат қилаётган мавжудот.
Сўради:
— Бу не маънидир?
Деди:
— Инсон улғайгани сайин ақл ва тафаккури мукаммаллашиб, хатти-ҳаракати мураккаблашадиган, шу билан бирга, хулқи ва одоби гўзаллашиб, ботинан юксалиб боргувчи зотдир.

* * *

**Сўради:**
**— Нима чексиз нарсаларни ўзига сингдира олади?**
**Деди:**
**— Инсоннинг қалби. Чунки инсон у билан тирик. Ватан, ор-номус, меҳр-оқибат, севги-муҳаббат каби покиза туйғулар фақат қалб орқалигина ифода этилади.**
**Сўради:**
**— Нима инсонни ёлғизликка маҳкум этади?**
**Деди:**
**— Ўзининг ҳеч кимга керак бўлмай қолганини ҳис этиши.**

* * *

Сўради:
— Нима ниҳоятда қадрли ҳисобланади?
Деди:
— Ўз эгасини топган ҳар бир нарса.
Сўради:
— Ҳар бир нарсанинг қадрига етмоқлик нени англатади?
Деди:
— Ҳар бир нарсани ўз вақтида тушунмоқликни...

**Обиддин МАҲМУДОВ.**

---

**Инсон манзаралари**

***Ўртадан ариқ ўтган, бир тегирмон сув оқади. Нариги бетида — Қирқишлоқ, бу бетида — Кўк Тепа. Олдин оралари узоқроқ эди, қишлоқлар кенгайиб, яқинлашиб қолишди.***

## КЎПРИК



Бу томондан тош отса, нариги қишлоққа тушади. Аёллар иккала томонда туриб гаплашишади, кулишади. Болалар тахта қўйиб ўтишади — мактаб Кўк Тепада. Қишда ариқ музлайди — ҳамма ўтаверади. Кўприк нарироқда, парранда фермаси рўпарасида, айланиб ўтиш керак. Кўк Тепада Таъминот бўлими, бозор, солиқ идораси бор, четидан катта йўл ўтган; чапда — Жиззах, ўнгда — Гулистон, автобус қатнайди.

Қирқишлоқда булоқ бор, қачон кўзи очилган — ҳеч ким билмайди. Суви муздек, иссиқ пайтда болалар ўша булоқдан сув ташишади.

Бозори, маъмурий идоралари бўлгани учун Кўк Тепа марказ ҳисобланади; бу ерликлар ўзини такаббур тутишади. Қирқишлоқдан совчи чиқса, кўктепаликлар аранг рози бўлишади. Ўктам — дурадгор Юсуф аканинг қизига икки ой одам қўйди, Юсуф ака ахир кўнди — куз эди, қишга кириб тўй қилиш ноқулай эди. Пахта терими тугагач, тўй ўтди. Ҳозир Мубоpакнинг иккита фарзанди бор, кенжаси шу йил мактабга боради. Куёви Фазлиддин Кўк Тепадаги электр тармоғида ишлайди, шу кўчадан ўтади. Мотоцикли бузуқ бўлса, тарвуз билан қайнотасиникига кириб, ярим соатча ўтиради, босиб ўтиб кетишни эп кўрмайди. Бошқа кунлари мотоциклида ўтиб кетади, куёви эканини Юсуф аканинг уйидагилари мотоцикл товушидан пайқашади. Муборакнинг қизи Гулнора мактабидан қайта туриб, бувисиникига киради; бувиси Улфатой мактабда ишлайди, Гулноранинг уй топшириқларига кўмаклашади.

Юсуф ака сакраб ўтиб бўлмайдиган ариққа кўприк ташлашга қаттиқ аҳд қилди: иккита хода ётқизиб, тахта қоқса бас, шунча одам бир чақирим наридаги кўприк орқали айланиб ўтмайди. Савоб бўлади. Бир кун уннаса, кўприк битади. Шунча йиллар мобайнида шу ишни ҳеч ким уддаламаганига ҳайрон бўлди. Шовқин, албатта, кўпаяди — ҳеч кими йўқ. Гавжум бўлади. Невaралари сарсон бўлишмайди.

**Учқун НАЗАРОВ.**

---



***— Ука, ўтиринг, манзилингизга элтиб қўяман, — деди ёши анчага бориб қолган ҳайдовчи. Кейин машинасини ўт олдираркан, давом этди: «Ўзи бир ошнамникига маъракага айтишувди. Йўлга эртароқ чиқиб қўйибман. Бундай пайтлар бир-икки йўловчининг мушкулини осон қилсам, ёмон бўлмасди, деб тургандим, мана, сизга рўбарў келиб қолдим».***

## КЎЗИМНИ ОЧДИНГИЗ, АКА...

Бадфеъл, қовоғидан қор ёғадиган кишининг гапидан, қўрс муомаласидан таъбингиз хира тортиши тайин. Ёнимдаги ҳамроҳимнинг эса самимий, очиққўнгил инсон эканлиги шундоқ кўриниб турарди. Аслида сўзамоллик ҳаммага ҳам ярашавермайди. Аммо суҳбатдошинг самимий, дилкаш, кўнглида ғубори йўқ инсон бўлиб чиқса, уни тинглашдан бир олам завқ ва ҳаётий сабоқ олишинг турган гап.

— Касбим сабаб феъли, дунёқараши ҳар хил кишиларга юзма-юз келаман, — дейди бояги ҳайдовчи.

— Яқинда ёши чамаси қирқ-қирқ бешлар атрофидаги бир йўловчини манзилига элтиб қўйдим. Йўлда гурунглашиб кетдик. Гап орасида «Отамнинг асаблари чатоқ бўлиб қолган, сал нарсага тутақиб кетадилар. Феълатворлари бизни зериктириб қўйди», деб гина-кудурат қилди.

— Шошманг, ука, оилада неча фарзандсизлар ўзи? — деб сўрадим.

— Уч ўғил, уч қиз, — деди ҳамроҳим бамайлихотир. Шунда мен:

— Отангиз олти фарзандни боқиб, тарбия қилдими? Ҳаммангиз ўзингизга тинчмисиз? — дея сўрадим. Тасдиқ жавобини олгач:

— Отангиз сизларни вояга етказиб ўқитибди, уй-жойли қилибди, бирортангиздан меҳрини аямабди. Бошқача айтсак, бор куч-қувватини, ақл-заковатини сарфлабди. Ўзини ўйламай, сизга бор нарсани берибди-ю, аммо толиққан асабини ўзида олиб қолибди. Энди шу отани асраб-авайлаш, инжиқлигига дош бериб, ҳурматини жойига қўйиш бурчларинг, — дедим. Гапимни тинглаб туриб, бояги киши:

— Ака, сизга раҳмат, кўзимни очдингиз, — деди.

Аслида кейинги уч ой ичида худди шу сўзни иккинчи бор эшитишим. Бу воқеадан сал аввалроқ бир тижоратчининг ҳожатини чиқаришимга тўғри келди. «Ишимнинг мазаси йўқ. Савдонинг ранги ўчган», дея дарду ҳол қилди у.

— Бошқа иш этагидан тутмасам бўлмайди, — деди ўксиб.

— Кечирасиз-у, қўлингизда яна қанақа ҳунарингиз бор? — деб сўрадим. Ранг-рўйидан билдимки, бошқа ҳунари йўқ. Шунда: «Топиш-тутишингиз рўзғорга етиб турибдими?» дея саволга тутдим.

— Етаяптику-я, аммо бошқалар катта-катта орзу-ҳаваслар қилишмоқда... — дея чайналди суҳбатдошим. Шунда мен: «Шукур қилинг, ўғлим. Тўрт мучангиз соғ бўлса, катта орзу-ҳавасларга ҳам етасиз. Аммо ношукурлик ёмон», дедим.

Ҳа, киши табиатан ширин суҳбатга эҳтиёж сезади. Бундай суҳбат кишини одамийлик, эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат сари бошлайди. Нафақага чиққан бўлса-да, киракашлик ортидан рўзғорига қўшимча даромад келтириб, одамлар ҳожатини чиқариб юрган ўша самимий инсоннинг исм-шарифини сўраб олмаганимга афсусланаман. Унинг менга айтган бир гапини сизга ҳам илинмоқчиман: «Ёқимли суҳбат юракни ғубордан тозалайди».

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

---



**Қирда мисли рақс тушган лолалар бу,**
**Гўзал юртда бахти кулган болалар бу!**

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

---

## ГУЖУМНИНГ ЕТТИ ЯПРОҒИ

**Ривоят**

**Самарқандга ҳар борганимда бир ривоят эшитиб келаман. Бу сафар ҳам қуруқ қайтмадим. Султонлар донишманди Мирзо Улуғбек борасида гўзал бир ҳикоятга ошно бўлдим.**

Ривоят қиладиларки, Мирзо Улуғбек замонида Самарқандда Сирожиддин деган ўртаҳол бир савдогар бор эди. Бир куни у тижорат юмушлари ила Бухорога бормоқчи бўлди. Унинг ниятини ён қўшниси эшитиб қолди ва ҳамроҳ бўлиш истагини билдирди. «Олис йўлда йўлдош яхши», деди ўзича Сирожиддин ҳамсоясини қабатига олди. Унинг исми Кўчкинбой эди. Икковлон Бухорои шариф қайдасан, деб йўлга тушдилар. Сиёбсувидан ўтиб, Дарғом дарёсининг бўйида, азамат бир гужум остида тушлик қилдилар. Бироз дам олиб, тағин йўлга отландилар. Бироқ тўсатдан Кўчкинбойнинг тоби қочиб қолди ва уйига қайтиб кетмоқчи бўлди. Сирожиддин белбоғини ечиб унга юз тилло чўзди.

— Мана буни бизникиларга бериб қўй, жўра, — деди у, — мен йўғимда мабодо қийналиб-нетиб юришмасин, рўзғорга ишлатишсин.



Кўчкинбой кетди. Сирожиддин бир карвонга эргашиб етти кун деганда Бухорога етиб келди. Олди-сотди ишларини битирди. Кичикроқ бир карвонга қўшилиб яна Самарқандга равона бўлди. Омон-эсон келиб, эшигини қоқди. Тўрт кўз тугал ўтиришган экан. Сирожиддин аёлидан Кўчкинбойга берган пулини сўради. Аёли ҳайрон бўлди.

— Қўшнингиз ҳеч нарса бергани йўқ, отаси. Бир ҳафтадан берисига қийналиброқ қолган эдик.

Сирожиддин қўшнисининг олдига чиқди. Кўчкинбой уни хушламай кутиб олди.

— Сенда иймон йўқ экан асли! — деди Сирожиддин, — бизникиларни очидан ўлдирай дебсан-ку, ноинсоф? Нега омонатимни бермадинг?

— Қандайчин омонат? — деб Кўчкинбой елка қисди.

— Гужумнинг остида олган юз тиллоингни айтаяпман, эсингдан чиқдими?

Кўчкинбой без бўлиб тураверди.

— Бундан ҳам бошқа тухматинг борми, жўра? Қандай гужум, қандай юз тилло?

Сирожиддин кўрдики, Кўчкинбой хиёнатини бўйнига олмоқчи эмас.

— Бўпти, сен қасамхўр билан бошқа ерда гаплашаман, — деб чиқиб кетди.

Ўша кезлар Самарқандда тижорат авжида эди. Султон Улуғбек тужжорларга ўзгача рағбат кўргузар, Самарқандни мадинат-аттужжор — савдогарлар шаҳри, дея фахр этарди. Буни Сирожиддин ҳам яхши биларди. Шунинг учун арзи ҳол айтиб бир куни тўғри Султон Улуғбекнинг ҳузурига борди. Шоҳ олдида тиз чўкди.

— Мен ул кўрнамакни йўлда боқдим, тоби қочганида дармон дори топиб бердим. Охири яхшилик қилиб ёмонлик кўрдим... Иймонини ютиб, омонатимни бермай ўтирибди.

Улуғбек Кўчкинбойни чорлатди. Икки ҳамсояни бақамти қилди. Кўчкин олган пулидан тониб қасам ичди. Улуғбек Сирожиддинга ўгирилди.

— Жаноб тужжор, сиз ҳозироқ йўлга чиқинг. Тўғри ўшал гужумдан етти япроқ узиб келтиринг. Биз уларни гувоҳ ўрнида қабул қилгаймиз. Сиз келгунча бул жўрангиз бирла суҳбат қургаймиз.

Сирожиддин кетди. Мирзо Улуғбек Кўчкинбой билан об-ҳаво, нарх-наво дегандай аҳамиятсиз мавзуларда гаплашиб ўтирди. Бир замон гап орасида шунчаки сўраб қолди:

— Сиз не фикрдасиз, ошнангиз гужумга етганмикан?

Кўчкинбой шоҳона суҳбат гирдобида ғарқ эди.

— Йўқ, ҳали етмади, у ер бир кунлик йўл эди, — деб юборди. Дедию тилини тишлади. Лекин кеч бўлган эди. Улуғбек унинг бетига қаҳрли тикилди.

— Сен муттаҳам экансан, Кўчкин! Демак, гужумнинг соясида ором олганинг ҳам, бировнинг ҳақига хиёнат қилганинг ҳам орий рост. Сенга не жазо берайлик, ўзинг айт! Эшакка тескари миндириб шаҳар айлантирайликму ёхуд эллик таёқ афзалроқму?

***Кўчкинбой Улуғбекнинг олдида ер ўпиб тавба-тазарру қилди. Омонатга хиёнат қилганини тан олди ва ҳамсоясининг пулини қайтариб берди.***

**Саъдулла СИЁЕВ.**

---

## Шоҳ сатрлар

**Жалолиддин Муҳаммад Румий — жаҳон адабиётининг улуғ сиймоларидан бири. Мавлавий Румий номи билан машҳур бўлган, Шамси Табризий тахаллуси билан ҳам ижод қилган Жалолиддин Муҳаммад 1207 йилда Балх музофотида таваллуд топган. Форсигўй шоирнинг келиб чиқиши хоразмлик. Унинг бувиси Алоъиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизи бўлган. Жалолиддин Румий ижоди усмонли турк адабиётининг сарчашмаси ҳисобланади. Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталари Жалолиддин Румийни ўзларига устоз деб билишган.**

### Эй ёрим-эй...

*Эй ёрим-эй, эй ёрим-эй, эй ёри бадкирдорим-эй,*
*Эй ҳажри дил сўзим менинг эй лутфидан ғамхорим-эй.*

*Эй ерда ойдек жилвагар, эй нимшаб бизга саҳар,*
*Эй бизга қалқони хатар, эй абри шаккарборим-эй.*

*Шод айлабон жоним менинг, сандин бу дармоним менинг,*
*Эй дину имоним менинг, эй баҳри гавҳардорим-эй.*

*Эй жоним-эй, эй жоним-эй, султоним-эй, султоним-эй,*
*Дарёйи бепоёним-эй, фикру хаёлда борим-эй.*

*Эй тун кезарга машъала, девоналарга силсила,*
*Ҳар қиблага карвон ила, сарбону ҳам сардорим-эй.*

*Ҳам йўлтўсар, ҳам роҳбар, ҳам муштарию ҳам қамар,*
*Ҳам ул қадар, ҳам бул қадар, ҳам дурга кўмган ёрим-эй.*

*Чун Юсуфи пайғамбарим, келсанг олурга бор зарим,*
*Ўт қўйки ёнсин сарсари, ҳам Мисру ҳам бозорим-эй.*

*Ҳам дўсти зиндоним менинг, ҳам бахти хандоним менинг,*
*Валлоҳки милёним менинг, кечдинг кўпимдин орим-эй.*

*Десанг: «Манга бир не дегил», десамки: «Лол васфингда тил!»*
*Десанг: «Келу важ излама, эй бандайи таррорим-эй».*

*Десамки «Ганжи бебаҳо», деса: «Вале йўқ интиҳо,*
*Жон истагайман неки жон?» Десамки: «Ол, маккорим-эй!»*

*Ганж истагайсан бошни бер, ишқ истагайсан жонни бер,*
*Кир сафга энди мисли шер, эй Ҳайдари шунқорим-эй.*

---

**Ҳикмат**

***Дўстларнинг яхшиси — фойдали насиҳатлар қиладиганлари, ишларнинг яхшиси — охир-оқибат гўзал самара берадиганлари, мақтовларнинг яхшиси — мард одамларнинг мақтовидир.***

---

**Турфа олам**

## МАЙДОН ТАШҚАРИСИДА

***Бугун Австрия ва Швейцария давлатлари яшил майдонларида миллионлаб футбол мухлислари орзиқиб кутган XIII Европа чемпионатига старт берилади. Албатта, ҳаммани майдон ҳудудидаги тўпнинг ҳаракати қизиқтиради. Лекин майдон ташқарисида ҳам ҳангомалар кам эмас.***

Чехия терма жамоаси ҳужумчиси Ян Коллер "Кўҳна китъа" биринчилигида тўп сўрадиган энг бўйи узун (202 см.) футболчи ҳисобланади. Вазн (100 кг.) борасида ҳам унга тенг келадиган "рақиб" топилмаса керак.

• Германия терма жамоасининг биринчи рақамли футболчиси Йенс Леманн турнирдаги энг "кекса" (39 ёш) футболчидир.

"Евро-2008"да учта терма жамоа голландиялик мутахассислар бошчилигида майдонга тушади. Булар: Гуус Хиддинк (Россия), Марко ван Бастен (Голландия) ва Лео Беенхаккер (Польша)лардир.

• Европанинг янги чемпиони 23 миллион евро мукофот олади. Амалдаги чемпион Греция эса бундан тўрт йил муқаддам 17,7 миллион евро ишлаб олганди.

Германия терма жамоаси устози Йоахим Лёв шогирдларини антиқа усул билан учрашувларга тайёрламоқда. Яъни у ўз футболчиларига баскетбол ўйнатмоқда.

• "Евро-2008" ташкилотчилари имкони борича барча мухлисларга қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Мутасаддиларнинг маълум қилишича, эшитиш ва кўриш қобилияти чекланган мухлислар учун Австриянинг Вена, Инсбрук, Зальцбург ва Клагенфурт шаҳарларидаги стадионларда махсус жойлар ажратилган ва уларга 160 дона чипта арзон нархга сотилган.

Европа чемпионатларида ўн бир метрлик жарима тўпи тепиш бўйича Чехия терма жамоаси энг яхши кўрсаткичга эга. Шу вақтгача 11 метрлик нуқтадан 20 бор зарба берган чех футболчилари бирон марта ҳам хатога йўл қўйишмаган. Энг ёмон кўрсаткич эса "Лолалар юрти" бўлмиш голландиялик "чарм тўп" усталарига тегишли. Улар 2004 йилга қадар тўрт бора «лотереялар» сериясида мағлубиятга учрашган.




**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6